

## COTTON FERTILIZER STANDARDS ON TYPICAL GRAY SOILS SUBJECTED TO IRRIGATION EROSION

*Чулиева Марҳабо Тўраевна*

*Шароф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат Университети  
Агробиотехнология ва Озиқ-Овқат Хафғисизлиги Институти Тупроқшунослик  
ва Агротехнологиялар Кафедраси таянч докторанти*

**Abstract:** This article presents fertilization rates for cotton on typical gray soils subject to irrigation erosion. Today, 12.3% of the cultivated land in the world consists of irrigated land, and the main part of food products is grown on these lands. Currently, there are 1,094 million people in the world. hectares or 56% of the area is subject to irrigation erosion. The main part of the eroded areas corresponds to the countries of Asia, Africa, and South America [1]. In particular, 81% in Australia, 74% in Central America, 63% in North America, 50.6% in South America, 52.3% in Europe, 59.0% in Asia, and 46.0% in Africa are affected. Also, due to the irrigation erosion in the world, 75 bln. tons of topsoil is being lost [2]. The eroded land area in our republic is 1772.3 thousand hectares or 40% of the total arable land area. In these areas, the yield of cotton, winter wheat and other crops is 20-30% lower than in non-eroded lands, and the quality of the raw materials grown is low [3].

**Key words:** irrigation erosion, typical gray soil, irrigation, irrigated area, cotton.

Маълумки, иқлиминг ўзгариб бориши ва унинг атроф-мухитга таъсири XXI асрнинг энг асосий глобал муаммоларидан бири ҳисобланади. Бунда антропоген омилларининг иқлим ўзгаришига фаол таъсири остида табиий ресурсларни, шу жумладан, тупроқ қатлами, сув манбаларини ва биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш долзарб масала ҳисобланади. Тупроқлардан илм-фан тавсиялари асосида оқилона фойдаланиш, унинг муҳофазасини тӯғри таъминлаш ва унумдорлигини оширишда янги технологияларни жорий қилиш, шак-шубҳасиз, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Тупроқ таркибини ҳар томонлама яхшилаш, ҳосилдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш тупроқшуносликнинг келгусидаги ривожининг муҳим масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Ер ресурслари Давлат қўмитасининг маълумотларига қараганда, Республикаизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган ер майдонлари 3187,4 минг гектардан ошикроқни ташкил этади. Шундан, қишлоқ хўжалигида жадал фойдаланиладиган ерлар, асосан, суғориладиган майдонлар бўлиб, у 4,3 млн гектарга teng. Суғориладиган ерлар, республикаиз умумий ер фондининг 9,0% ни ташкил этиб, бу ерларда, ялпи қишлоқ хўжалиги махсулотларининг 90% дан ошикроғи етиштирилади. Бугунги кунда, ана шу суғориладиган ерларда тупроқларнинг унумдорлик

даражасини пасайтирувчи бир қатор салбий жараёнлар кечмоқда ва уларни мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда.

Тупроқ унумдорлигига салбий таъсир этувчи омиллардан бири, бу тупроқнинг сув ва шамол эрозияси ҳисобланади.

Дунё бўйича 1964,4 миллион гектар ер майдонлари деградацияга учраган бўлиб, шундан 55,7 фоизи сув эрозияси натижасида содир бўлади.

Деградацияга учраган майдонларнинг асосий қисми Осиё, Африка, Жанубий Америка давлатлари ерлари ҳиссасига тўғри келади. Деградация жараёнлари натижасида ҳар йили 6-7 миллион гектар ер майдонлари қишлоқ хўжалиги фойдаланишдан чиқиб кетмоқда. Ер ва сув ресурсларининг кучайиб бораётган деградацияси бутун жаҳоннинг асосий озиқовқат маҳсулотлари захирасига салбий таҳдид қилмоқда.

Хозирги даврда республикамиз суғориладиган ерларининг 2,1 млн гектари шамол эрозиясига, шундан 700,0 минг гектари кучли ва ўртача шамол минтақасида жойлашган, 851,7 минг гектар экин экиладиган ерлар суғориш эрозиясига учраган Бундай ерларда пахта, дон экинлари ҳосилининг 25-40 фоизигача йўқотиласпти, кўриладиган зарар эса бир неча миллион сўмни ташкил этмоқда.

Республикамизда хозирги кунда ерларни эрозияга чалиниши бўйича классификация ишлаб чиқилган бўлиб, харитаси ҳам тузилган, ирригация эрозиясини олдини олиш ва қарши кураш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, алмашлаб экиш тизимлари, суғориш усувлари, табақалаб ўғитлаш (В.Б.Гуссак, Қ.М.Мирзажонов, Х.М.Махсудов, Ш.Н.Нурматов, Л.А.Гафурова, К.М.Мўминов, Г.Н.Абдалова, А.М.Деҳқонов ва бошқалар), турли тупроқ иқлим шароитларида ғўза навларини кўчат қалинликларини жойлаштириш, уларни ўғитлаш меъёрлари (М.В.Мухаммеджонов, А.Э.Авлиёқулов, Ф.М.Сатипов, Н.Ўразматов, А.А.Автономов, М.М.Хасанов, А.Б.Колдаев, О.М.Сулаймонов ва бошқалар), ғўза билан бирга ҳамкор экинлар етиштириш (Қ.М.Мирзажонов, И.Э.Рўзиев ва бошқалар) каби илмий изланишлар олиб борилган.

Суғориладиган тупроқларнинг унумдорлиги пасайишига олиб келадиган салбий жараёнлар қаторига шўрланиш, эрозияга учраш, ботқоқланиш, гумус ва озиқа моддалари миқдорининг камайиши, ҳайдалма ва ҳайдовости қатламларининг зичлашиши ҳамда оғир металлар ҳамда хлорорганик пестицидларининг қолдиқлари билан ифлосланиши каби жараёнларни киритиш мумкин. Бу салбий жараёнларнинг асосийлари регионал хусусиятларга эга. Сизот сувларининг табиий оқими чегараланган ҳудудларда иккиламчи шўрланиш жараёнлари асосий салбий таъсир этувчи омил бўлса, нишаблиги

катта ерларда эса сув ва суғориш эрозияси жараёнлари тупроқ унумдорлигига кучли таъсир кўрсатади.

Айниқса, суғориш эрозиясининг таъсири тупроқ унумдорлигини пасайиши, ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган озиқа моддалардан азот, фосфор, калий ва бошқа элементлар микдорини кескин камайиши билан ифодаланади. Энг ачинарлиси шундаки, сув ва суғориш эрозияси натижасида қишлоқ хўжалик аборотидан республикамиз ер фондидағи энг қимматли ҳисобланган ерлар чиқиб кетмоқда. Булардан ташқари, бундай ерларга солинаётган минерал ўғитларнинг учдан бир қисми, шунингдек, кўплаб бошқа кимёвий воситалар ювилиб, атроф –мухитга, сув ҳавзаларига тушиб биринчи навбатда инсонлар соғлиғига ва ҳайвонот оламига катта зарар етказмоқда.

Бугунги кунда 2 млн гектардан ортиқ ерлар дефляция хавфи бор ерлар бўлиб, шундан 0,7 млн. гектар кучли дефляцияга учраган, 0,5 млн. гектарда ирригация эрозияси юз бериш хавфи бор. Бундай ерлар тоғ олдида жойлашган вилоятларда кўплаб учрайди. Ирригация эрозияси таъсирида эса ғўза етиштириладиган майдонларнинг ҳар бир гектаридан, йилига ўртacha 150-200 тоннагача тупроқ ювилиб кетади (нишаблиги 5<sup>0</sup> дан кўпроқ бўлган қиямаликларда гектарига 500 тоннага қадар боради). Фақат тупроқнинг ўзи эмас, балки у билан биргаликда 650-700 кг чиринди, ҳар гектардан 0,5-0,8 тонна гумус, 100- 120 кг азот, 75-100 кг фосфор ювиб олиб кетилиши мумкин. Ювилиш таъсирида тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган озиқ элементларини даладан ювилиб кетаётганлиги қанчалик иқтисодий ва экологик зарар келтиришини ҳисоблаб топиш қийин эмас.

Суғориш эрозияси туфайли пахтациликда қўлланиладиган азотли ўғитлар таркибидан минерал ҳолдаги азотнинг ювилиши 9-12%ни ташкил этса, шундан нитрат шаклидагиси 70-75% га teng бўлади. Ҳар йили ғўза экилган майдонларнинг ҳар бир гектаридан ювилиб кетадиган озиқ моддаларни ўғитга ҳисоблаганимизда, бу 3,5-4,0 ц амиакли селитра, 6—8 ц суперфосфатни ва 2,5ц хлорли калийни ташкил этади. Натижада, пахта етиштириладиган бўз тупроқларнинг ҳар хил унумдорликка эга бўлишига сабаб бўлади ва ғўза ниҳолларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг турлича бўлишига олиб келади. Суғориш эрозияси тупроқ унумдорлигини кескин пасайтириб, пахта ҳосили ва тола сифатига катта таъсир кўрсатади.

Кўп йиллик тадқиқотларида ювилган тупроқларда ғўза ўсимлиги бош поясининг баландлиги ювилмаган тупроқлардагига нисбатан паст бўлиши, ювиб тўпланган тупроқларда эса бўйи яна ҳам баланд бўлиши кузатилган. Ювилган тупроқларда гул, ғунча ва кўсаклар сони энг кам, ҳосил нишоналарининг тўклиши эса энг кўпни ташкил этди. Пахта ҳосилдорлиги ҳам мана шу хусусиятларга мувофиқ шаклланади.

Эрозия ҳосил миқдоригагина эмас, балки толанинг сифатига ҳам таъсири қилди. Тупроқ ювиб кетилишининг таъсири остида битта қўсакнинг массаси камайди, ювилиб тўпланган тупроқдаги қўсак массаси эса ошади. Толанинг пишиклиги ҳам худди шундай нисбатларда ўзгаради. Ювиб кетилган тупроқда толанинг чиқиши ҳам паст даражада бўлади. Эрозия таъсири остида чигитнинг ҳолати кескин ўзгаришини қайд этиб ўтиш муҳимdir. 1000 дона чигит массаси ювилган тупроқларда энг кам, ювилмаган ва ювилиб тўпланган тупроқларда эса энг қўп бўлган. Деградацияга учраган ювилган тупроқларда етиштирилган пахтанинг чигити экиш учун яроқли эмас. Шунинг учун ҳам тупроқ-иқлим шароитига, ўсимлик талабига мос равишда суғориш меъёrlарига ва муддатларига риоя қилмаслик ҳам суғориш эрозиясининг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Мамлакат худудидаги табиатда чекланган, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер ҳамда сув ресурсларидан тўлиқ оқилона ва самарали фойдаланиш талаб этилади. Бу жараёнда суғориладиган ерларга катта эътибор бериш зарур. Чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми, масалан, пахта, ғалла ҳом ашёси, шоли, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотларининг ҳаммаси, ғалланинг 92 фоизига яқин суғориладиган ерларда етиштирилмоқда.

Шунинг учун ҳам, фермер хўжаликларида юқори сифатли пахта ҳосили етиштиришда тупроқ хусусиятларини ўрганиб, унинг унумдорлигини ошириш ва экин майдонларининг бутунлигини сақлаш, шу мақсадда пахтачиликда дехқончилик маданиятини янада ошириш зарур.

Юқорида кўрсатилиб ўтилган жараёнлар Самарқанд вилояти Пастдарғом туманининг пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг типик бўз тупроқлари шароитида етарлича ўрганилмаганлигини инобатга олиб, суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқларнинг агрокимёвий ва агрофизикавий хусусиятларини ўрганиш, бундай ерларда етиштирилладиган ғўздан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёр ва нисбатларини таъсирини аниqlаш мақсадида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Дала тажрибалари Пастдарғом туманининг суғориш эрозиясига учраган тупроқлари шароитида олиб борилди.

Тажриба ўтказилган майдонларнинг тупроғи ҳақиқий бўз тупроқ бўлиб, куз-қиши-баҳор ойларида сув эрозияси содир бўлса, ғўзанинг амал даврида суғориш сувлари таъсирида ирригация эрозияси кузатилади. Чунки, ғўза етиштирилладиган майдонлар нотекисликлардан иборат бўлиб, тажриба даласининг нишаблиги -0,05 м. Тажрибалар 4 тақрорлашда ўтказилиб, ҳар бир пайкалчанинг умумий майдони 480 кв.м., шундан ҳисобга олингани 240 кв.м.

Минерал ўғитларнинг: азот 240-200 кг меъёрида. Уларнинг фосфорга 1:1 ва 1:0,8 нисбатлари ўрганилди.

Тажриба даласи тупроқлари таркибида: 0,86-0,95% гумус, 0,07-0,08 % азот, 0,105-0,120 % фосфор мавжуд бўлган бўлса, ушбу тупроқларнинг ҳажмий массаси 1,33, қаттиқ фазасининг зичлиги  $2,70 \text{ г/см}^3$  ва ғоваклиги 51,5% ни ташкил этди.

Минерал ўғитларни ҳар хил меъёр ва нисбатда қўллаш, тажриба даласидаги ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Масалан, 1-августда ўғит берилмаган назоратдаги вариантда ўсимликни бўйи 34-43 см, ҳосил шохлари 8,4-9,1 ва кўсаклар 3,8-4,5 донани ташкил этган бўлса, минерал ўғитларни, азот 240-200 кг/га меъёрида унинг фосфорга нисбатини 1:1 ва 1:0,8 ҳолида қўллагандан ушбу кўрсаткичлар мос равишда 62,5-65,7 см, 12,2-13,9 ва 7,1-8,5 донани ташкил этди.

Суғориш эрозиясига учраган бўз тупроқлар широитида қўлланилган минерал ўғитларнинг ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига кўрсатган ижобий таъсири унинг ҳосилдорлигига ҳам тўлиқ намоён бўлди.

Тажриба даласида, энг кам пахта ҳосили 15,8 ц/га ўғит қўлланилмаган назорат вариантида етиширилди, бу эрозияга учраган бўз тупроқларнинг унумдорлигини жуда паст эканлигини кўрсатади.

Минерал ўғитларни  $N_{240}$   $P_{180}$   $K_{90}$  кг/га ҳисобида ишлатилганда, ҳар бир гектар ҳисобига олинган пахта ҳосили энг юқори -32,8 ц бўлган бўлса, ўғитларни 1:1 нисбатда ва  $N_{200}$   $P_{200}$   $K_{60}$  кг/га микдорида қўллагандан, ҳосилдорлик-30,6 центнерни ташкил этди.

## Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд вилояти Пастдарғом туманининг пахтчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ирригация эрозиясига учраган ҳақиқий бўз тупроқлар унумдорлигини оширишда, типик бўз тупроқларини эрозиядан муҳофазалаш ва ғўзадан юқори ва сифатли пахта толаси етиширишда минерал ўғитлардан азотни 240 кг/ц ҳолида, фосфорни 1:0,8 нисбатда қўллаш энг юқори самара бериши, шунингдек, суғориш ишларига ҳам аолҳида аҳамият бериш, яъни, бу ерларда кам микдорда сув билан тез-тез суғориб туриш, эгатлар имконияти борича кам қиялик қилиниб олиш ўтказилган тажриба натижалари асосида ўз тасдиғини топди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июндаги ПФ-6024-сонли фармони “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини

ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5832-сонли фармони “Кишлок хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари” тўғрисидаги қарори.
3. Холиқулов Ш., Узоқов П., Бобохўжаев И. Тупроқшунослик. Дарслик. Тошкент, 2011.
4. Мирзажонов Қ, Нурматов Ш, Ахмедов Ж, Хошимов И, Шарипов Ш. Суформа деҳқончиликда ердан унумли фойдаланиш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. Тошкент-2009 й. №6 сон. 16-17 б.
5. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари.-Тошкент. 2007-145 б.
6. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах,-Ташкент, СоюзНИХИ, 1963.-с.132.
7. Хошимов И.Н. “Иrrигация эрозиясига учраган тупроқлар шароитида кузги буғдой етиштиришнинг илмий асослари” Монография-10 б.т. Тошкент 2020 й.
8. Қ.Мирзажонов, Ш. Ахмедов, Р.Рахмонов “Тупроқ эрозиясига қарши чоралар”. Агро илм.2(40)2016.Б.51-53.